Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади ШАРОИТДАН ГАП ОЧМАНГ...

3 ҚАДИМ КЕШДА «ОНА ВА БОЛА» КОНКУРСИ

4 НАВОИЙ НАЗДИДА ДЎСТЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 14 сентябр, сешанба № 149 (1782)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-ЧЕХИЯ: ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 12 сентябр куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди

***Чехия Республикаси Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширган, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича ўз минтақасида етакчи ўрин эгаллаб турган давлатдир.***

Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан бирдек манфаатдор, ҳамкорликни кенгайтириш борасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилган. Халқаро муаммоларга нисбатан қарашларимиз ҳам муштарак.

Президент Вацлав Клауснинг ташрифи - Чехия давлат раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи.

13 сентябр куни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Вацлав Клаус шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Яккама-якка суҳбат чоғида Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболларини муҳокама қилдилар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ушбу ташриф икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа эканлиги қайд этилди. Олий даражадаги Ўзбекистон-Чехия мулоқоти ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши таъкидланди.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек, Ўзбекистон учун Чехия билан сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Чехияни ишончли шерик деб билади ва унинг минтақамиздаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш учун бу давлатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чехия ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг ишончли ҳамкори ҳисоблайди. Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Чехия Ўзбекистоннинг минтақада интеграцияни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мамлакатларимиз Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолиятига, терроргчилик ва диний экстремизмга, ноқонуний муҳожирлик ва қурол-яроғ савдосига, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом этди. Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ижтимоий соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга оид масалалар асосий ўрин эгаллади.

2004 йилнинг 1 майидан - Чехия Европа Иттифоқига қўшилганидан кейин 1993 йилда имзоланган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ўз кучини йўқотди. Шу муносабат билан томонлар иқтисодиёт, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги битимни ишлаб чиқди ва у 2004 йил 28 июнь куни имзоланди. Бу ҳужжатга мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Иқтисодий муносабатларимиз Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилнинг январида Чехияга расмий ташрифи чоғида имзоланган сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқарувчи муассасалар ва миллий банкларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги қатор муҳим ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда чехиялик ишбилармонлар сармояси иштирокида тузилган 30 корхона мавжуд. Улар халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Чехиянинг «Эриэлл Корпорэшн», «Марц ЦЗ», «Томас Прага», «ЧКД Нове Энерго», «Айвэкс-ЧР», «Ясон Трэвел», «Янцен» каби компаниялари рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Чехиянинг «Чешка Спорителна», «Инвестични а постовни банк», «Комерчни банк», «Чек экспорт банк» каби банклари билан алоқа ўрнатган. «Асака» банки «Обходни банк» билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Чехия савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлик ишбилармонлар кенгроқ фаолият кўрсатишига хизмат қилмоқда.

Булардан ташқари сайёҳлик, суғурта, фармацевтика, нефт-газ, кимё саноати корхоналари яқиндан ҳамкорлик қиляпти. Ўзбекистонга Чехиянинг трамвай ва троллейбуслари келтирилмоқда. «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти билан Чехия мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-транспорт самолётларини етказиб бериш борасида музокара олиб борилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон-Чехия ҳамкорлигида 16 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик кўлами кенг. Лекин музокараларда мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигига қарамай, ўзаро савдо ҳажми томонларни қониқтирадиган даражада эмаслиги таъкидланди. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йили 39,4 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Чехияга асосан пахта толаси, матолар, айрим рангли металларни сотади, Чехиядан эса ускуналар, резина буюмлар ва дори-дармон олади. Ишбилармонлар янада фаолроқ ишласа, ҳамкорликни кучайтирса, бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкин бўлур эди. Бунинг учун имкониятлар мавжуд.

Бинобарин, Ўзбекистонда Чехия маҳсулотларига, Чехияда Ўзбекистон маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж бор. Икки мамлакат иқтисодиётида бир-бирига тўғри келмайдиган тармоқлар деярли йўқ, аксинча, кўпгина соҳаларда улар бир-бирини тўлдира олади.

Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Чехия ишбилармонларини бир-бирига таништиришнинг ҳожати йўқ. Мамлакатимизда «Татра», «Шкода» каби компанияларни яхши танишади. Икки томонлама манфаатли соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш учун янада кенгроқ қулайлик яратиш керак. Ўзбекистон бу йўналишда ҳам ҳамкорликка тайёр.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатидаги ҳамкорлик истиқболли. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп. Масалан, Чехия Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб олади. Мевалар ва полиз экинларини қайта ишлаш борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас.

Таъкидлаш жоизки, савдо-иқтисодий муносабатлар хусусида икки томон ҳамфикр. Президент Вацлав Клаус Чехия ишбилармонларининг катта делегацияси билан келганининг боиси ҳам шунда.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари 1994 йилдан буён Чехиянинг Лидица шаҳрида ўтадиган анъанавий Жаҳон болалар ижодиёти кўргазмасида қатнашиб келади. Чехия ҳукумати ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчилар учун ҳар йили грантлар ажратмоқда. Фанлар академиялари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг илмий муассасалари ўртасида материалшунослик, тиббиёт, микроэлектроника, ядро физикаси, машинасозлик, фармакология каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қарор топган.

Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳам янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Вацлав Клаус Ўзбекистон ва Чехия Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Чехословенска обходни банка А.С.» ўртасида кредит битими имзоланди.

Журналистлар билан учрашувда Ислом Каримов ва Вацлав Клаус музокара натижалари ҳақида сўзлаб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама этилган барча масалалар бўйича фикрлар бир жойдан чиққани қайд этилди. Музокаралар, имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини беришига, яъни ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда янги поғонага кўтарилишига ишонч билдирилди.

Чехия Президенти Вацлав Клаус Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон икки мамлакат ишбилармонларининг анжуманида нутқ сўзлаб, уларни ҳамкорликни янада кенгайтиришга чақирди.

Вацлав Клаус Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талабалари, профессор ва ўқитувчилари билан учрашди. Меҳмон фан-таълим соҳасидаги ҳамкорлик умумий ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Чехия Президентига Миллий университетнинг Фахрий доктори унвони берилди.

Олий мартабали меҳмон Хотира ва қадрлаш майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейини зиёрат қилди. Узоқ ўтмишимизга, маданий-маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва қадимий эканига алоҳида эътибор қаратди. Яқин тарихимиз - мустақилликнинг қўлга киритилиши, истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар билан танишар экан, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Чехия Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## «БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» БИЛАН ТАНИШУВ

***Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Чехия Президентининг рафиқаси Ливия Клаусова 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги «SOS-Болалар маҳалласи»га борди.***

2000 йили Тошкент шаҳрида ўн тўртта оилавий уйдан иборат биринчи «SOS-Болалар маҳалласи» ўз фаолиятини бошлади. Мазкур кичкинтойлар маҳалласи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилди.

«Болалар маҳалласи»даги хонадонлар ҳаёти билан танишар экан, чехиялик меҳмон болаларнинг яшаши ва таълим-тарбия олиши учун барча шароит муҳайё этилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Болалар учун жаҳон андозалари даражасидаги спорт-соғломлаштириш масканлари, таълим-тарбия муассасалари бунёд этилмоқда.

«Болалар маҳалласи»да уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 90 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланади. Бундай маҳалланинг афзаллиги шуки, бола оилавий муҳитда, ака-ука, опа-сингиллари қуршовида ўсади.

Учрашувда болалар ижросида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

**(ЎзА)**

## *Касаба уюшмаларида ҳисобот ва сайловлар*

***Шу кунларда касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Ушбу мажлисларда ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар қараб чиқилмоқда ва олдинда турган вазифалар белгилаб олинмоқда. Поп туманидаги 12-автокорхонада ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши бунга мисол бўла олади.***

## ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Қўмита раиси Араббой Ҳайдаровнинг маърузасидан маълум бўлдики, касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда бир ёқадан бош чиқариб фаолият кўрсатмоқда ва жамоа шартномасида белгиланган тадбирларнинг қадамба-қадам амалга оширилишига эришилмоқда. Ҳисобот дарвида ишловчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратиш, уларни ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир қатор ишлар қилинди.

Мисол учун автокорхона қошидаги ошхона фаолиятини олиб кўрайлик. Бу ерда бир кишининг тушлик қилиши 758 сўм 33 тийинни ташкил этади. Агар уни бир ойга кўпайтирадиган бўлсак, 18 минг 200 сўмга етади. Амалда бу харажатларнинг ҳаммаси корхонага келаётган соф фойда ҳисобидан қопланмоқда. Булардан ташқари, автокорхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб, ногирон бўлиб қолган икки нафар кишига 280 минг сўмга ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган якка-ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Корхонада узоқ йиллар ишлаб, бугунги кунда пенсияга чиққан 200 дан ортиқ қарияни байрамларда, Ҳайит ва Наврўз кунларида дастурхон ёзиб, таклиф қилиш ҳамда баҳоли-қудрат совға-саломлар топшириш одат тусига айланган.

Ишловчиларнинг оила аъзолари ва фарзандларини соғломлаштириш борасидаги тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. Ҳар йили барча ишчи ва хизматчилар корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиб турилади ва зарур топилганлар шифохоналарга ётқизилади. Улар то соғайиб чиққунларига қадар дори-дармондан ёрдам кўрсатилади. Ходимларнинг ўғил-қизлари эса ёзги таътилларини болалар оромгоҳларида ўтказадилар. Чунончи, бу йил 50 нафар ўқувчи бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Ишчи-хизматчилар ҳақида қилинаётган ғамхўрлик амалда ўз натижасини бермоқда. Белгиланган топшириқларнинг ортиғи билан адо этилиши одат тусига кириб қолган. Ҳайдовчилардан 2003 йилда Салимжон Раҳмонов «Фахрий автомобилчи», Каримжон Солиев эса «Шуҳрат» ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикасининг 13 йиллиги муносабати билан эса ҳайдовчи Мамадали Соаталиевга «Дўстлик» ордени берилди.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққанлар ҳисобот давридаги қўлга киритилган натижалар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар, олдинда турган вазифаларга тўхталдилар.

Йиғилишда қўмита фаолиятига ижобий баҳо берилди ва Араббой Ҳайдаров яна автокорхона касаба уюшма қўмита раислигига сайланди.

**Раҳимжон АРСЛОНОВ,**
**Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Наманган вилояти бўйича вакили**





## «2004 ЙИЛ – МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ»

Чуст туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан инсонларни улуғлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда ҳудудда яшаётган 76 нафар қарияга шаҳар транспортида бепул юриш имтиёзини берувчи гувоҳномалар тантанали суратда топширилди. Чустда 20 нафарга яқин юз билан юзлашган табаррук инсонлар умргузаронлик қилишади. Улар алоҳида меҳр-у эътибор ила қуршаб олинган.

Қувончлиси шуки, ижтимоий таъминот бўлими қошида ногиронлар аравачаси тайёрланадиган цех ишга тушди. Бу ерда фаолият юритаётган 8 нафар уста сидқидилдан меҳнат қилиб, ёрдамга муҳтож кишилар мушкулини осон этишмоқда. Эндиликда бу хайрли ташаббус билан танишгани турли жойлардан вакиллар келмоқда. Савобли ишларни амалга оширишда У.Каримов, Э.Курбонов, Б.Самадов каби тадбиркорларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

**Суратларда: янги цехда тайёрланган маҳсулотлар; хайрия тадбиридан лавҳалар.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**



## *Шахмат*

## РУСТАМ ЯНА ҒОЛИБ!

***Икки ой муқаддам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кийган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов халқаро турнирларда зафарли одимларини давом эттирмоқда.***

Жумладан, у Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида муваффақиятли қатнашди.

Дунёнинг энг кучли ўн гроссмейстери иштирок этган турнирда тўққиз имкониятдан олти очко жамғарган Р.Қосимжонов руминиялик Ливюдитер Нисепяну билан бирга биринчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Р.Қосимжонов жорий йилнинг октябрь ойида Испанияда ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

**(ЎзА)**

## *Ҳақ - ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига сўнгги пайтларда меҳнаткашларнинг иш берувчилар томонидан қонуний ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида мурожаатлар кўпаймоқда. Йил бошидан буён ўнлаб аризалар адолатли кўрилиб, ижобий ҳал этилди. Айримлари эса аризачи манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича судга юборилди.***

## ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОСИ

Гулчеҳра Пардаева Жиззах вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик жамиятида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келарди. Нима бўлди-ю, 2004 йилнинг 1-мартида корхона раҳбарининг 10-сонли буйруғи билан шартнома бекор қилиниб, қўш-қўллаб меҳнат дафтарчасини унга тутқазишди. Буйруққа «Ўзқишлоқхўжаликкимё» Давлат акциядорлик компанияси раисининг 2003 йил 11 декабрдаги «Маъмурий-бошқарув аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва қисқартиришга доир» буйруғи асос қилиб олинди. Аслида бу ғайриқонуний эди.

Қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб Г. Пардаева касаба уюшмалари вилоят тармоқ қўмитасига мурожаат қилди. Ўз навбатида мутасаддилар аризани атрофлича ўрганиб чиқишди. Натижада, бирлашма раиси Б.Маҳмудов ходимни ишдан бўшатишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги маълум бўлди.

Г.Пардаева ҳомиладор бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда, 1-бандига асосан, яъни штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатилган. Ваҳоланки, ушбу Меҳнат Кодексининг 237-моддасига биноан: Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди дейилган. Яъни бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

Касаба уюшмалари вилоят қўмитаси бирлашма раиси номига қонун бузилишига йўл қўйилганлиги туфайли юқоридаги буйруқ бекор қилиниб, ходима Г.Пардаевани аввалги лавозимига тиклашни, Меҳнат Кодексининг 112-моддасига асосан барча мажбурий бекор юрган кунлар учун иш ҳақи тўлаб берилишини талаб этиб, хат юборди. Лекин бу бирлашма маъмурларига ёқмади. Улар ўжарлик, манманлик отидан тушгилари келмади. Оқибатда буйруқ ўзгаришсиз қолдирилди.

Шундан сўнг қўмита Г. Пардаеванинг манфаатини кўзлаб Жиззах туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси киритди.

Мазкур иш судья Ф.Маматқулова раислигида кўрилиб, даъво қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра мазкур бирлашма раҳбари буйруғи бекор қилиниб, Г.Пардаева аввалги лавозимига тикланди. Унинг мажбурий бекор юрган кунлари учун 155 минг 700 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Мустақил Ўзбекистонда қонун устувор*

# «СЕВГАН КАСБИМГА ҚАЙТДИМ»

***Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 827 та умумтаълим мактабида 517 минг 522 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларга 36 минг 968 нафар малакали педагог-ўқитувчилар сабоқ беришяпти. Тармоқ касаба уюшма қўмитамиз вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 2004-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг барча бандларида фидойи ўқитувчи-устозларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиниши кўзда тутилган.***

Сўнгги йилларда халқ таълими тизими ходимларига қулай ва соз иш ўринлари яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Янги мактаб бинолари қурилиб, ишга тушириляпти. Масалан, Денов туман ҳокимлиги ташаббуси билан 420 ўринли, Қумқўрғон туманида республика бюджети ҳисобидан 31-мактаб учун 192 ўринли янги мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Музработ, Денов ва Жарқўрғон туманларидаги 17-, 59-, 15-мактаблар учун янги бинолар қурилиши тугалланиш арафасида.

Сафимиздаги 73 минг 486 нафар касаба уюшма аъзолари 331 та бошланғич қўмитага бириккан. Уларнинг соғлиқларини тиклаш учун ҳар йили 200 миллион сўм маблағ сарфланяпти. Чунончи, ходимларимиз «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Жайрахона», «Сурхон», «Зилол» каби республика ва вилоят сиҳатгоҳларида дам олиб, соғлиқларини тикламоқда. Ходимларимиз фарзандларини соғломлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Масалан, бу йил мактаболди оромгоҳларида 1060 нафар бола, тоғ ён бағирларидаги «Вахшивор», «Хонжиза» каби оромгоҳларда 869 нафар бола мириқиб дам олдирилди. Бу борада 81 миллион сўм маблағ сарфланди.

Қўмитамиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон устоз педагогларни ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 253 та таълим муассасасининг 623 нафар ходимига салкам 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 18 нафар ногирон, боқувчисини йўқотганларга эса 171 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатдик. Ҳар йили 40 нафардан ортиқ ўқитувчиларни қўмитамиз ҳисобидан Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларга саёҳатга олиб чиқиш йўлга қўйилган.

Тармоқ ходимларининг туман ва вилоят миқёсидаги анъанавий спартакиадалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Туман қўмиталари ҳамда ўқув юртларида кўп йиллар ҳалол ва самарали меҳнат қилган устозлар хотирасига бағишлаб спортнинг бир неча турларидан турнирлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб боряпти. Жумладан, Шеробод туманида республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М.Алладўстов, Қизириқда халқ таълими аълочиси Х.Эшқобилов хотирасига бағишланган спорт мусобақалари оммавийлашиб бормоқда.

Соҳа ходимларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборимизда. Хусусан, Сариосиё туманидаги «Эртак» соғломлаштириш боғчаси ходимаси Донахол Давлатованинг 149 минг 602 сўмлик иш ҳақи, Термиз Давлат университети ходими А.Усмонованинг туғруқ таътил пуллари ундириб берилди. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчиси Х.Турсоатов ва Сариосиё туманидаги 66-ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат тарбиячиси Ш.Раҳмонова ўз вазифасига тикланди. Шунингдек, ташаббусимиз билан Музработ туман ҳокимининг қарори билан 1-гуруҳ ногирони Фотима Абдиевага банкда махсус ҳисоб рақами очилди. Биринчилардан бўлиб унга энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида маблағ ўтказдик. Байрамларда Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйи, Шўрчидаги 68- ва 122-махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиб, совға-саломлар улашяпмиз.

Халқ таълими муассасаларини 206 миллион сўмлик парта, 85 миллион сўмлик стол-стул билан таъминланишида, 360 дан ортиқ компьютер синфларининг ташкил қилинишида бизнинг ҳам камтарин ҳиссамиз бор. Энг муҳими, воҳадаги 13 та таълим муассасаси интернет тармоғига уланганлигидир.

Халқ таълимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз салоҳиятини, эртанги кунини белгилайди. Ана шундай хайрли ишга муносиб ҳисса қўшаётганлигимиз бизга янада куч-ғайрат бағишлайди. Шу боис бу борадаги ишларимизни муваффақият билан давом эттираверамиз.

**Холбўта ДОСОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Сурхондарё вилоят қўмитаси раиси**

*«Фарзанд камоли -Ватан жамоли»*



# ҚАДИМ КЕШДА «ОНА ВА БОЛА» КОНКУРСИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз йирик халқаро анжуманларга, кўрик-танлов ва мусобақаларга мезбонлик қилиб келаётган шаҳардир. 9-11 сентябр кунлари шаҳар маданият саройида Ўзбекистон Мустақиллигининг 13-йиллигига бағишлаб ташкиллаштирилган «Она ва бола» кўрик танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари Марказий қўмитаси томонидан тўртинчи бор ўтказилган ушбу тадбирга қадим Кешнинг мезбонлик қилишида ўзгача маъно бор. Бу ҳақда тармоқ Марказий Қўмитаси раиси Алишер Ғуломов танловнинг очилиш қисмида шундай деди:

- Танловнинг Соҳибқирон Амир Темур юртида ўтиши қатнашчиларга ўзгача ғайрат ва шижоат бахш этиши турган гап. Чунки Соҳибқирон руҳи уларни қўллаб туради. Энди кўрик-танлов ўтказишнинг асосий мақсадига келсак, ўсиб келаётган ёш авлод эртанги кун эгалари. Шу маънода уларни билимли, заковатли, ватанпарвар, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Яна бир эътиборли томони бугун мамлакатимизда аёллар ва болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бугунги тадбиримиз ҳам ана шу эътиборнинг давоми бўлсин.

Кўрик-танловда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати тасарруфидаги корхоналарда фаолият юритаётган аёллар ўз фарзандлари билан иштирок этдилар. Улар ўз навбатида вилоятларда ўтган танловларда ғолиб чиққанлар. Жами 14 нафар она ва бола ғолиблик учун



синовдан ўтдилар. Болажонларнинг ёши чегараланган бўлиб, 8-10 атрофида бўлиши шарт қилиб олинди. Кўрик-танлов уч босқичли саволлардан иборат бўлди. Иштирокчилар аввалига тест саволларига жавоб бердилар. Болажонлар ҳам ўз навбатида унча қийин бўлмаган саволларга жавоб бердилар. Шу ўринда болажонларга берилган саволлар ҳақида тўхталсак. Ташкилотчилар болажонлардаги қобилиятни тўла синовдан ўтказиш мақсадида ранг-баранг саволларни тақдим этганлар. Айниқса, болажонларга аталган «Ўзбекистон Республикаси қачон мустақил деб эълон қилинган?», «Республикамизда қандай қадимий шаҳарлар бор?», «Ўзбекистонда мавжуд бўлган дарёлардан қайсиларини биласиз?», «Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар турларини санаб беринг?» каби саволлар уларда юртимизга бўлган муҳаббат ва қизиқишни орттириши шубҳасиз.

-Саволларни тузишда болажонларнинг ёшини инобатга олдик-дейди лойиҳа муаллифи, тармоқ Марказий қўмитаси ходими Ғофир Ҳамидов.- Чунки ўта мураккаб саволлар болажонларни қийнаб қўйиши мумкин эди. Уларнинг оналарига эса мураккаб тест ва мантиққа доир саволларни бердик. Лойиҳага келсак, бундан тўрт йил олдин ажойиб бир шиорни ўқиб қолдим. Унда «Фарзанд камоли -Ватан жамоли» деб ёзилганди. Шу шиор менга туртки бўлди ва тадбир режасини раҳбариятга кўрсатдим. Уларга бу режа маъқул келди. Шундан буён ҳар йили бу кўрик-танловни ўтказиб келяпмиз.

Биринчи саволларга жавоблар ғолибларни танлашда муҳим рол ўйнади. Сабаби тест саволларига баллар юқори бўлиб, ғолиблик учун даъвогарлар шу босқичда ажралиб қолди. Тошкент вилояти вакиласи, фарғоналик ҳамда мезбонлар вакиласи бу саволларга тўлиқ жавоб бериб, олдинга чиқиб олдилар. Иккинчи турда сезгирлик қобилияти синовдан ўтди. Сўнгги тур эркин мавзудан иборат бўлиб, иштирокчилар турли саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларни намойиш этдилар. Унда айниқса, Навоий вилоятидан ташриф буюрган Озода Туропова ва фарзанди Фурузжон ижросидаги «Меҳр ва мурувват» диалоги долзарблиги билан ажралиб турди. «Мол дунёга ружу қўйманг» мазусида тайёрланган, инсонларни диёнат ва инсофга чорловчи мезбонлар вакиласи чиқиши ҳам кўпчиликда яхши таассурот уйғотди.



Ваниҳоят, ҳакамлар ҳайъати ғолиблар номини эълон қилди. Кўрик-танловда 224 балл тўплаган Таллимаржон Иссиқлик электр станцияси шуъба корхонасига қарашли «Булбулча» болалар боғчаси тарбиячиси Марҳабо Ўринова қизи Нодирахон билан ғолибликни қўлга киритди. Уларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо рангли телевизор туҳфа этилди. Иккинчи ўрин Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси таржимони Дилором Турдиева ва Диёрахонларга насиб қилди. Улар 220 балл тўпладилар. Кейинги ўрин Чирчиқ «Электркимёсаноат» акциядорлик жамияти профилакторийси ҳамшираси Муҳаббат Тошмуҳамедова ва қизи Тахминахонларга насиб этди. Улар мусиқий марказ ва видеомагнитафон билан тақдирландилар. Ташкилотчилар барча қатнашчи она ва болаларга алоҳида совға тақдим этдилар. Тадбирнинг сўнгги кунида қатнашчилар гўзал Шаҳрисабзнинг кўрки бўлмиш Оқсарой, Кўкгумбаз каби тарихий обидаларни томоша қилдилар.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

# ЯНГИ ТАРИХГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Марказий Осиёнинг энг янги тарихи. Тарихни қайта баҳолаш, замонавий муаммолар ва ёндашувлар» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ва Конрад Аденауэр жамғармаси билан биргаликда ташкил этилди.***

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатлари ва Германиядан олим ҳамда мутахассислар қатнашди.

Анжуман қатнашчилари мазкур минтақа мамлакатларига хос муаммоларни муҳокама қилди, уларни замонавий фан нуқтаи назаридан қайта баҳолаш зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирди ҳамда уларни ҳал қилиш борасида янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Олимларнинг чиқишларида Марказий Осиё мамлакатларида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. XX асрнинг тўқсонинчи йилларигача бўлган тарихий меросни ўрганишда янги методологик ёндашувлар ғоят муҳим эканлиги қайд этилди. Шу боис минтақа олимлари ҳамкорлиги минтақа мамлакатлари энг янги тарихини ўрганишнинг умумий услубиётини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Конференция давомида тарих фанининг ривожланиши ва тарихий воқеалар талқинларининг ўзгариши, тарихдаги «оқ доғ»ларни йўқотиш, Марказий Осиё халқлари тарихининг этномаданий жиҳатлари, минтақавий масъулият ва ҳамкорлик каби долзарб мавзулар ҳамда сўнгги тарихий тадқиқотлар натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев иштирок этди.

**(ЎзА)**

***Андижонга "СамКоч Авто" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган элликта Otoyol автобуси келтирилди. Бу эса Андижон шаҳри ва унинг атрофида йигирмата йўналиш очиш имконини берди.***

## ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Автобусларнинг дастлабки туркуми шу йилнинг июн ойида келтирилган эди. Шаҳар автобус саройининг янги автобуслар билан тўлиши йўл ҳақини эллик сўмга тушириш имконини берди. Бундан ташқари, ушбу автобуслар мактаб ўқувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

**"Туркистон-пресс"**





Шайхонтоҳур туманидаги 243- болалар боғчасида болажонларни ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб улғайишлари учун барча имкониятлар муҳайё. Замонавий типда қурилган бу масканда 280 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Давлат Дастури асосида белгиланган тадбирларни амалга оширишда тажрибали ва заҳматкаш тарбиячиларнинг меҳнати катта. Уларнинг изланишлари самараси ўлароқ, рус ва инглиз тили, каратэ, шашка, кураш ҳамда рақс каби тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Байрамлар муносабати билан ўтказилаётган турли кўнгилочар тадбирлар, спорт ўйинлари жажжи ўғил-қизларнинг завқига завқ қўшмоқда.

***Суратларда: машғулотлардан лавҳалар***

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

***Бугун Қўқон шаҳрига эмас, балки Фарғона водийсининг қайси томонига борманг, «Наргиз-Дилором» автохизмат концерни автоуловларидан фойдаланишингиз мумкин. Ораста кийинган, хушмуомала ҳайдовчилар хизматидан йўловчилар мамнун.***

# «НАРГИЗ-ДИЛОРОМ» АВТОУЛОВЛАРИ

«Наргиз-Дилором» автохизмат концерни вилоятдаги донғи кетган корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозирда мазкур концерн негизида ташкил этилган «Нарзеавто» масъулияти чекланган жамияти ҳамда шуъба корхонаси, «Зебифар Сайёр» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, «Ўзтрансавто Осиё-Европа» корпорацияларида юзлаб ҳайдовчи, чилангар ҳамда механиклар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

- Корхонани ташкил этиш ҳамда филиаллар ишини йўлга қўйиш осон кечмаган бўлса-да, бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилдик, - дейди концерн ташкилотчиси Абдухалил Алимов. - Натижада тез орада муваффақиятлар бўй кўрсатди. Бугунги кунда Фарғона вилоятининг 60-70 фоиз аҳолисига бизнинг ҳайдовчиларимиз юқори савияда транспорт хизмати кўрсатиб келишяпти.

Дарҳақиқат, корхона тендерда ғолибликни қўлга киритгандан сўнг омилкорлик билан иш юритилди. Оддий киракаш ҳайдовчилар ишга таклиф қилиниб, боши бириктирилди. Бир қанча йўналишлар очилди. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Натижада «Раф», «Дамас» ва бошқа шахсий автоулов эгалари корхонадаги шарт-шароитлардан руҳланиб, ишлаш мақсадида бу ерга кела бошлашди. Яхшиликнинг қаноти бор, дейишади. Одамлар хизматида бўлиб, ўз моддий манфаатдорликларини оширишни истаган яна кўплаб ҳайдовчилар ҳам ушбу корхонада ишлаш истагини билдира бошлашди. Шу тариқа корхона фаолияти кенгая борди. Дастлабки йили етти ярим миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрилди. Йилдан-йилга концерн чўнтагига даромад изидан даромад кира бошлади. Олинган фойда ҳисобидан ҳайдовчилар салмоқли равишда рағбатлантирилди, корхонанинг таъмирлаш устахоналари жиҳозланди. Турли ижтимоий объектлар таъмирланди. Бундан ташқари, кўплаб савобли ишларга ҳам қўл урилди. Қўқон шаҳридаги кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

Айтганча, ушбу ютуқларни қўлга киритишда корхона раҳбари Абдухалил Алимовнинг турмуш ўртоғи Дилором опанинг ҳам катта ҳиссаси бор. Негаки, тадбиркор аёл корхона ишига доимо камарбаста. Ҳамжиҳатликда қилинаётган ҳар бир амал ўз самарасини бермоқда. Ҳозиргача Қўқон шаҳрида иш излаб юрган юзлаб ёшлар ишли бўлди. Бу ёшлар корхона ривожи учун ҳалол меҳнат қилиб, бошқа транспорт корхоналари билан рақобатлашмоқда. Албатта, йўловчи қайси транспорт воситаси қулай ва маданиятли хизмат кўрсатса, ўшани танлайди. Бундан ташқари, йўловчиларни жалб қилишда хизмат ҳақи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Корхона тасарруфидаги транспорт воситалари йўлкира ҳақи анча арзон. Масалан, шаҳар ичида қатнайдиган «Раф» русумли микроавтобусларда йўл ҳақи 100 сўм, шаҳар атрофида қатнайдиганларининг нархи эса таъриф бўйича 100 сўмдан 250 сўмгача. Ҳайдовчилар график бўйича ўз вақтида йўловчиларни эсон- омон манзилларига етказиб боришади. Кўриб турганингиздек, бу борада «Наргиз-Дилором»нинг омади чопган.

Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, Қўқон шаҳрида йўловчи ташиш хизматини намунали йўлга қўйиш учун ўтказилган тендерда ғолиб бўлган концерн рақобатчилари унинг фаолиятига ҳар доим ҳам холис муносабатда бўлишаётгани йўқ. Лекин корхонада иш қонуний ташкил этилган, ҳайдовчилар ўз ишларига сидқидилдан ёндошишмоқда.

- Наманган вилоятида ҳам филиалимизни ташкил этганмиз, - дея суҳбатни давом эттиради А.Алимов. - Мазкур вилоятнинг айрим туманлари оралиғидаги транспорт қатновини сифатли йўлга қўйиш учун қилган саъй-ҳаракатларимиз маҳаллий ҳокимият вакиллари ва мутасаддиларга, қолаверса йўловчиларга ниҳоятда маъқул бўлаётир. Шунингдек, Марғилон, Қува, Шаҳрихон туманларидаги филиалларимиз, Фарғона шаҳридаги автохизмат корхонасида олиб бораётган ишларимиз ҳам самарасини бермоқда. Энг қувончлиси, 1996 йилдан буён водий аҳолисидан бирор марта ҳам йўналишлардаги муаммолар хусусида эътирозлар бўлмади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг йўл очилган. Тадбиркорлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўз ишининг кўзини биладиган, уста тадбиркор Абдухалил ака ва унга елкадош бўлиб меҳнат қилаётган ходимлар, ҳайдовчилар аҳолига юқори савиядаги транспорт хизмати кўрсатиб келишмоқда. Қисқача қилиб айтганда, «Наргиз-Дилором» автохизмат концерни бугун ойдин йўлга чиқиб олган.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ВАТАНГА САДОҚАТ РАМЗИ

***Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида биринчи курс курсантларининг ҳарбий Қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.***

Ёш курсантлар халқимизга, мамлакатимиз Президентига садоқат билан хизмат қилишга, Ўзбекистонимизнинг нурли истиқболи ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга тантанали қасамёд қилдилар.

Йигитларни ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва олий билим юрти раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва курсантлар, ота-оналар ва меҳмонлар қизғин табрикладилар.

Ҳарбий қасамёд - курсант ҳаётидаги унутилмас воқеадир. Зеро, у шундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Қасамёд жангчига она Ватанининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, тинчлиги, халқининг осойишталиги, нурли келажаги учун масъул эканини ҳамиша эслатиб туради.

**(ЎзА)**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**
**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

2004 йил 23,30 сентябр кунлари соат 11.00да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран, Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси қўйилади.

**Бошланғич баҳоси – 12 292 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида чиқарилган объект бўйича закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840704265383001, КОД-00125, СТИР 204563716, SWIFT:UZHOUZ 22 ўтказилади.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1«А»-уй; Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26**

